

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ ДИПЛОМАТИК ВА ҲАРБИЙ ТАКТИК
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

АББОСОВ Ҳабибулло Абдуллаевич,

Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети
(Тошкент, Ўзбекистон)

Tel: +998 93 7272701

E-mail habbosov@gmail.comORCID: <https://orcid.org/0009-0006-4901-080XPreviewpublicrecord>

0009-0006-4901-080X Khabibullo Abbasov

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo>.

Аннотация: Мақолада буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг дипломатия ва ҳарбий тактика соҳасидаги фаолиятининг темуршунос олимлар томонидан ўрганилиши ҳақида маълумот берилди. Озарбайжонлик романнавис адиб Юнус Ўғузнинг “Амир Темур” романида унинг сиёсий ақл-заковати, маънавий кудрати, адолатли бошқарув тактикаси бадиий талқин этилганлиги баён этилади. Муаллифнинг таъкидлашича, Амир Темур ҳарбий бошқарув сиёсатини ўрганиш ходисаси халқ тарихий хотирасини сақлаш, миллий ўзликни англаш ва маданий мулоқотнинг аҳамиятини ҳам кўрсатади.

Калит сўзлар: мустақиллик даври, темуршунослик, оқилна сиёсий бошқарув, ақл-заковат, маданий мулоқот, илмий-адабий услуб, тарихий аҳамият.

ОБ ИЗУЧЕНИИ ДИПЛОМАТИЧЕСКОЙ И ВОЕННОЙ ТАКТИКИ ЭМИРА
ТИМУРА

Аббасов Ҳабибулло Абдуллаевич

Зав.отделением главного управления Оборона Национальной гвардии
Университет Военной безопасности и защиты Республики Узбекистан
(Ташкент, Узбекистан)

Tel: +998 93 7272701

E-mail habbosov@gmail.comORCID: <https://orcid.org/0009-0006-4901-080XPreviewpublicrecord>

0009-0006-4901-080X Khabibullo Abbasov

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo>.

Аннотация: В статье освещаются вопросы изучения учёными-тимуроведами дипломатической и военно-тактической деятельности Великого правителя средневекового Востока Эмира Тимура. Политическая дальновзорьность правителя и целомудрие, духовная мощь, справедливость в управлении государством реально изображены в романе азербайджанского писателя Юнуса Огуза «Эмир Темур». Как утверждает автор статьи, изучение военно-управленческой политики Тимура служит для сохранения исторической памяти народа, его национальное самосознание и значение культурного общения между народами.

Ключевые слова: эпоха независимости, тимуроведение, целенаправленное политическое управление, целомудрие, культурное общение научно-литературный стиль, историческое значение.

ON THE STUDY OF EMIR TIMUR'S DIPLOMATIC AND MILITARY TACTICS

Abbasov Khabibullo Abdullaevich

Head of Department, Main Defense Directorate of the National Guard
University of Military Security and Defense of the Republic of Uzbekistan

(Tashkent, Uzbekistan)

Tel: +998 93 7272701

E-mail habbosov@gmail.com

 ORCID: <https://orcid.org/0009-0006-4901-080X> Preview public record

0009-0006-4901-080X Khabibullo Abbasov

 DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo>.

Abstract: This article explores the study of the diplomatic and military-tactical activities of Emir Timur, the Great Ruler of the Medieval East, by Timur scholars. The ruler's political foresight and chastity, spiritual strength, and fairness in governing the state are realistically depicted in the novel "Emir Timur" by Azerbaijani writer Yunus Oguz. According to the author, studying Timur's military and administrative policies serves to preserve the historical memory of the people, their national identity, and the importance of cultural communication between peoples.

Keywords: era of independence, Timur studies, purposeful political governance, chastity, cultural communication, scholarly and literary style, historical significance.

Кириш. Соҳибқирон Амир Темурнинг кучли шахсияти, ақли-заковати ва маънавий-маърифий қарашлари тадқиқига ўтган XX аср фанида асосан “совет мафқураси” талаблари доирасида анча юзаки ва бошқа масалалар воситасида салбий муносабат билдирилиб келинди, унинг ўз даври учун долзарб бўлган давлатчилик фаолияти “босқинчилик” дея номланди. Шу боисдан, янги давр тарихшунослиги ва бадиий адабиётида бу масалани буюк шахсиятнинг ўз эътиқоди ва қизиқишларидан келиб чиқиб ҳолисона илмий ёритиш зарурати юзага келди. Мустақиллик йилларида Амир Темур шахсияти, дунёқараши, унинг илм-фан ва динга муносабати борасида ўзбек тарихшунослиги ва адабиётшунослигида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, уларнинг якуни сифатида қатор монография ва илмий асарлар яратилди. Натижада уларнинг тарихий идеологик функциясини тадқиқ этиш, солиштириш, илмий тарихшунослик ва адабиётшунослик доирасидаги миллий, диний ва маърифий қарашларни умумлаштириш, тизимлаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эга”,(1;1) - деб таъкидлайди. Айни мақсадларга эришиш учун буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг дипломатия ва ҳарбий тактика соҳасидаги фаолиятини, илмий-назарий меросини (“Темур тузуклари” асари мисолида), туркий халқлар бадиий адабиётидаги бадиий образини шавкатли

давлатчилигимиз анъаналарининг асоси сифатида бугунги ислохотлар жараёнига татбиқ этилиши, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилишга йўналтириш муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Амир Темурнинг шахсияти, ҳарбий саркардалиқ фаолияти, туркий давлатчилик асосларини яратиш соҳасидаги тарихий хизматларига бағишланган тадқиқотлар катта бир даврни камраб олади. Хорижий давлатларда ҳам темуршунослиқ фан сифатида шаклланган бўлиб, Буюк саркарда Амир Темур шахсияти ва дунёқараши юзасидан муҳим илмий тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги: Cambridge University (Буюк Британия), Universitat Humbolt, Universitat Bonn (Германия), University of Indiana (Америка Қўшма Штатлари), Fateh Universiteti, Baskent Universitesi, Istanbul Universiteti, Gazi Universiteti (Туркия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия) олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларда ва асосан Шарқ мамлакатлари илмий доираларида олиб борилмоқда.

Саркарда шахсияти ва ҳарбий, маънавий фаолияти муаммолари ёритилган муҳимлар тадқиқотлар Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси президенти Фредрик Брессан (Франция), Эгей университети қошидаги Турк дунёси тадқиқотлари институти профессори Али Усмон Қоратой (Туркия), Техрон университети қошидаги Илмий тадқиқот институти профессори Акбар Рафеи (Эрон), Пешовар университетининг Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили илмий-тадқиқот маркази бошлиғи Абдулла Беиг (Покистон), тарихчи олим ва таржимон Хелмут Далов (Германия), Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Юнус Ўғуз каби олимлар томонидан яратилган. (4;572) Француз олими Люсьен Кэрен ўзининг “Амир Темур салтанати” номли китобида(5;438) Соҳибқирон Амир Темурнинг дунёга келишидан бошлаб, умрининг охиригача босиб ўтган ҳаёт йўллари тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилади. Китобда Соҳибқирон барпо этган салтанатнинг кейинги тақдири, унинг Европа қироллари билан ўрнатган муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Озарбайжонлик олимлар И.Г.Алиев, Ф.М.Алиевлар муҳаррирлиги остида нашр этилган “История Азербайджана”, А.Д.Новичевнинг “История Турции” каби асарларида Амир Темурнинг шу давлатлар билан олиб борган сиёсий-иқтисодий маданий алоқалари тўғрисида фикр юритилади.

XIV-XV асрларда ёзилган Шарафиддин Али Яздий,(6;587) Низомиддин Шомийлар (7;525)нинг “Зафарнома” дostonларида Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва ҳарбий юришлари, давлат қуришдаги сиёсати фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” (1403-1406) асарида (8;445) буюк аждодимизнинг жаҳон дипломатияси тарихидаги ўрни ёрқин бадиий тил билан ифодаланади.

Арабшунос олим У.Уватов «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» (9;235) деб номланган асарида Амир Темурга бағишланган араб тарихчиларининг ўнлаб асарлари ва улар тўғрисидаги қизиқарли маълумотларни тақдим этади.

Хулоса. XX аср совет тарихшунослигида давр мафкуравий чекловларига қарамай, темуршунослиқ фани ривожига эришилди. Таниқли олимлар Г.Пугаченкова, (10;183) И.Мўминов, (11;55), шунингдек, Р.Муқминова, Б.Лунин, Э.Ртвеладзе, П.Зоҳидов, Л.Ремпель, А.Ўринбоев, Б.Аҳмедов, Д. Юсупова, Ў.Алимов, Т.Файзиев, О.Бўриев, А.Саидов каби қатор фидоий олимларнинг тадқиқотлари Соҳибқирон Амир Темур

салтанати тарихини ёритишга хизмат қилди. Бу олимларнинг мустақиллик йилларида чоп этилган йирик асарларида эса Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихи “сиёсий тушов”лардан холи тарзда мукамал ёритиб берилди. Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишда Ш.Ўлжаевнинг “Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши”, Ф.Сиддиқова, Г.Ибрагимова, Р.Зулфиқоровларнинг “Амир Темур ва унинг иқтисодий сиёсати”, Ш.Аҳадов, Т.Эгамов каби олимларнинг «Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти», Б.Болтаевнинг “Амир Темур давлатининг хавфсизлиги ва халқаро алоқаларни кенгайтириш учун кураш”, Ш. Болтаевнинг “Амир Темур давлатининг солиқ сиёсати”, Д.Жиянованинг “Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди”, З.Зойировнинг «Амир Темур давлатида солиқ тизими ва солиқ сиёсати: тарих ва ҳозирги замон», Ж.Исмоилова, Л.Левтеева каби олимларнинг “Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи”, З.Муқимовнинг “Амир Темур “Тузуқлари” асари, Г.Сарманованинг “Амир Темур давлатининг интиҳоси”, М.Абдурахимовнинг “Темур ва Тўхтамиш”, Ф.Ҳасановнинг “Турон халқлари ҳарбий санъати”, О.Бўриевнинг “Турон тарихининг олтин даври” каби асарлари ҳам шулар жумласидандир.

Тарихчи олимлар жамоаси ҳамкорлигида нашр этилган “Амир Темур жаҳон тарихида” номли китобда Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маданияти, санъати тўғрисида батафсил маълумот берилади. Ўз Р ФА Темурийлар тарихи давлат музейи олимлари томонидан “Амир Темур. Библиография. Биринчи китоб” библиографик кўрсаткичининг тайёрланиши замонавий темуршунослик фани ривожини учун катта ҳодиса бўлди. Унда 2248 та ўзбек, 2085 та рус, 655 та инглиз, 221 та француз, 29 та араб, 76 та форс-тожик, 296 та турк тилида амалга оширилган нашрлар қайд қилинган. Келтирилган тафсилотлардан кўринаётганидек, Соҳибқирон Амир Темур шахсиятининг инсоният илмий, маданий ва маърифий тараққиётига кўрсатган таъсири, буюк хизматлари дунё илм аҳли томонидан муносиб баҳоланиб келинмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” 2023 йил 25 январдаги ПҚ-20-сонли қарори // Халқ сўзи, 2023 йил 27 январь. № 18 (8361).
2. Bressan, Frédéric. L’Ombre du Conquérant: Tamerlan et le pouvoir en Asie Centraleю - Paris: CNRS Editions, 2011.
3. Фредрик Брессан. Amir Temur dunyo olimlari va adiblari nigohida.// “Amir Temur davri madaniyati va tarixiy naqshlarini o‘rganish” конференцияси материаллари. - Тошкент, 2021 сентябрь.
4. Юнус Ўғуз. Амир Темур. – 2016.
5. Люсьен Кэрен. Амир Темур салтанати. – 2016.
6. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Ленинград, 1941.
7. Shomiy Nizomiddin. Zafarnoma / Tarj. A. Jo‘rayev. – Toshkent: Sharq, 1997.
8. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. – Тошкент, 1992.
9. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент, 1993.

10. Пугаченкова Г. Темурининг меморий мероси. – Тошкент, 1996.
11. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент, 1968.

